

Гоаликлар Хорас Фернандесни галати одам деб ўйлашарди. Бунга унинг бошкалар билан дўстона муносабатга кириша олмаслиги сабаб бўлолмасди – аксинча, у ким билан учрашмасин, осонлик билан чикишиб кетарди. Аммо, хамма гап шунда эди-ки, у ўзи яшаб турган жамият конун-коидаларига беписандлик билан каарди. У ёзилмаган конунларга биноан одамларни зиёрат килмасди, Гоа оксолларига, яъни давлат хизматидаги мансабдорларга нисбатан хурмат-эътибор хам кўрсатмасди.

Хаммасидан хам ўтиб тушадигани – унда Худодан кўркув хисси йўк эди, шу боис черковга тез-тез бормасди. Айтишларича, якшанба кунлари у уйида кечгача ухлар, лекин баъзи одамларнинг эътироф этишларича, уни баъзан черков оркасида ўз-ўзига гапириб ўтирганини учратиш мумкин бўларди. У айнан гўшт ейиш гунохи кабира хисобланган жума кунида гўшт ерди. Агар уни бирон киши ўз нафсининг гапига кириб, жазоси ўлим бўлган гунох ишни килганликда айбласа, у «Кадимги Рим католик черкови жума куни гўшт ейишни гунох деб эълон килганлигининг сабаби факатгина битта бўлган, у хам бўлса ўша вактда Рим бозорларида балик маҳсулотлари тикилиб кетган ва жума куни гўшт ейишни такиклаш оркалигина балик савдосининг юришишига эришишган» дея жавоб берарди. «Фернандес» умум томонидан кабул этилган оддий исм бўлса-да, унинг ўзи гайриоддий киши эди. Хамма бу одамнинг гайритабиий эканлигини гапиради ва шунинг учун хам у «Галати Фернс» номини олганди.

Якинда ёмон бир иш содир бўлди. Хамма ёқда унинг кандайдир сирли диний гурухларга кўшилганлиги хакида гап таркала бошлади. Нима килиш керак экан-а? Гоалик бир неча художўй аёллар уни бу гап-сўзлардан куткариб колишни зиммаларига оладиган бўлишди. Одат бўйича, муқаддас Биби Марямнинг хайкали черков мадхиясини куйлаб борувчи бир гурух одамлар кузатуvida уйдан-уйга олиб ўтилар, меҳмонхонадаги у ўрнатилган жой шарафли ер хисобланар ва уйдаги оила аъзолари Биби Марям олдида ухламасдан навбат билан ибодат килишар ва кутига пул ташлашарди. Галати Фернс эса хайкални уйига олиб кетишни хар сафар рад этарди. Хозир эса бу аёлларда ажойиб гоя тугилганди. Улар кўшнилари дам олгани кетаётган бир пайтда хайкални Фернснинг кўшнисиникига олиб келишни режалаштиришди. Кейин эса Фернснинг уйига келишди ва кўшниларининг дам олгани кетишганини ва бу ерда бошка якирок кўшни йўклигини айтиб, кўшнилардан бири кайтиб келгунича бир кунга хайкални уйида саклаб туришини илтимос килишди. Фернс бутларга сигинмаганлиги учун хам хайкални олиб кололмаслигини айтиб, узрини билдириди. Улар эса Биби Марямга бўлган ишончларига кўра, хайкал бир кун унинг уйида турса, Биби Марям ўзи уни панохида асршини айтиб, фикрларида каттик туриб олишди. Нихоят Фернс уларга ёрдам беришга рози бўлди, аммо хеч кандай черков мадхияларисиз ва ибодатсиз уйига олиб кирилишига рухсат беришини, хайкални уйига ўрнатиш ўрнига омборхонага кулфлаб кўйишини айтди. Аёллар рози бўлишди; улар ўзларича Биби Марям дуоларимизни ижобат кила бошлади, деб ўйлашарди. Аммо, афсуски, Фернс ўзи нима деган бўлса ўшани килди – у хайкални олиб кетиш учун кўшнисиникига бориб, уни бир мато билан урди, хеч кимга билинтирмасдан уйига келтирди ва уни кайтариб олиб кетилгунга кадар омборхонага кулфлаб кўйди.

Аммо аёллар барибир бўш келишмади. Улар Фернснинг уйига киришга ва уни ўзларига оғдириб, попугини пасайтириб кўйиш учун яна бир бор харакат килишга карор килишди. Хорас Фернандес уларни эшик олдида жуда илик кутиб олди, меҳмонхонага бошлади ва

кахва тайёрлаб берди. У аёлларнинг Худо олдида мутавозе бўлишга, Худонинг инсониятга баҳш этган неъматлари учун шукур килишга чорловчи сўзларини сабр билан тинглади. Аёллардан бири бурчакда жим ўтирас, бармоклари билан тасбех ўгиради. Нихоят, Фернс аёлларга деди:

"Менга кўрсатаётган бу кадар гамхўрлигингиз учун сизларга рахмат. Мен хакимда бунчалик ташвишланаётганингиздан кўп таъсирандим, албатте мен сизнинг эътиқодингизни хурмат киламан. Бирок, нега энди сизнинг ўзингиз ишонишни хохлаган нарсага ишонишингизни ва менинг ўзим ишонишни хохлаган нарсага ишонишимни кабул килмаслигимиз керак?"

"Канакасига сен айтгандай бўлади?" аёллардан бири бакириб юборди. "Ахир факатгина битта Худо бор холос-ку!" Кейин эса у Инжилдан "бу хоин яхудийлар" жумласи билан боғлик оятларни келтирди. Хорас Фернандеснинг сабр косаси тўлиб борарди.

"Яхудийлар нега бундай хукм килингандар?" деди у. "Исо Пайгамбар хам насроний эмас, балки яхудий бўлган-ку. У аввалги динни чикариб ташлаш учун келмаган. Нима бўлганда хам, бошка хар кандай яхши яхудийлар каби у хам суннат килингандар."

Атрофга шу кадар жимлик чўкди-ки, уни факатгина тасбех ўгириб ўтирган кари художўй аёлнинг тасбехидан чикаётган овозгина бузиб туради. Нихоят, улардан журъатлироги гап бошлади: "Хўп, шундай хам дейлик! Унда боши очик аёллар билан жинсий муносабатда бўладиган Худо бехабар кишининг ахволи нима бўлади? Поп..."

"Попнинг нима дегани билан неча пуллик ишим бор" деди Фернс. "Ўн бешинчи асрда бу ерларда Поп Александр яшаган экан. Унинг никохсиз тугилган кизлари бўлиб, у шу кизлардан бири билан жинсий муносабатда бўлар экан."

Тасбехли аёл ўрнидан турди. Фернсни художўй аёлларнинг унинг гапидан бунчалик довдираб колишгани таажублантириди. Бунинг устига, Инжилда ўз кизларидан фарзандлари бўлган бирор ким ёзилмаганми?

Аёллар унинг саволларига жавоб тополмай колишди чоги, кочиб кутулишди. Шундан кейин улар Фернснинг уйига йўламай кўйишди, аммо уни кучлирок даъват килишга карор килишди. Черковда бўлиб ўтган ўзгаришларни саклаган холда, худудрохиби якшанба кунги маърузаларни ўкиш учун кўшни худудлардаги роҳибларни хам таклиф этиш жадвали билан таништириди. Доимий роҳиб ўз маърузасини айтади, кейин эса Инжилдан ўкилади, ташриф этувчилар келиб, ваъз ўкийдилар.

Якшанба кунги Койилмаком Фернс учун уюштирилган даъватнинг учинчи куни, ташриф этажак роҳиб ўз вактида етиб келолмади. Одамлар эса олазарак холда маъруза ўқимокчи бўлиб турган роҳибдан хавотирланиб, адашиб кетмасмикан, тайёрланмагани учун мавзудан ташкари ваъз айтиб юбормасмикин ишқилиб, дея сабрсизлик билан кутишарди.

Ох, ана у! Ўша кутилган роҳиб. У минбарга кўтарилиди.

"Менинг азиз биродарларим" дея гап бошлади у. "Бошкаларнинг ўзингизга кандай муомалада бўлишларини хохласангиз, ўзингиз хам бошкаларга шундай муомалада бўлинг. Бугунги маърузамиз ана шу хақда! Биз бирон марта бўлса хам Исо пайгамбарнинг мазкур доно сўзлари нима маъно бериши устида тафаккур килиб кўрганмизми? Хозир, Исо пайгамбар осмонга кўтарилиганинг 50 кунлигига багишлиган мухим бир маросимда у пайгамбарнинг ушбу сўзлари нимани англатишини тафаккур килишга яна бир бор ўзимизни багишлайлик.

"Азиз биродарлар, биз ушбу йигиннинг мохиятини тўлаконли тушуниб етишимиз зарур. Бизнинг меҳрибон Худоимиз бизга кандай неъматларни инъом килганини тафаккур

килиб кўринг. Ушбу маросимнинг ажойиб курбонисиз биз ўзимизни илохий Ўзликка, бизнинг Яратувчимизга багликлигимизни кандай килиб хис килган бўлардик? Ўзимизни хафтада лоакал бир кун Худога багишламасак, кандай килиб ўзлигимизни таниймиз? Биз бир гунохкор banda ўларок, Худо бизга берган буюк неъматларни тушуниб хам етмаймиз."

Одамлар уз ўйларига гарк бўлиб ўтиришар, баъзиларни эса мудрок босганди.

"Ex!" деди воиз. "Тафаккур килинг. Сиз хар якшанба черковга ўзингизнинг энг яхши кийимларингизда келасиз, ва бу ерда нималар бўлаётганига зарра кадар эътибор хам бермайсиз. Сиз учун Худо гўёки бир бизнес хамкордир, агарда У хафтада лоакал бир марта хушнуд этилмаса, ўзи киритган сармояни кайтариб олган бўларди. Сизлар эса худди автоматлаштирилган машиналар каби жонсиз, бурухсизлар, юриб туриб ухлайсизлар! Боядан бери мен бутунлай узук-юлук сўзларни гапирияпман, сизлар эса буни хатто пайкамадингиз хам!"

"Роҳиб дўстларимнинг кўплари ўзи ваъз айтадиган курилмага эга эканликларини биласизларми, ахли жамоат? Хар бир курилма жумла ва гаплар ёзилган карточкаларни ўз ичига олган. Менинг маслакдошларим эса сизларнинг улар нима деяётгандарига ахамият хам бермаслигингизни жуда яхши билишади, шунинг учун хам улар хар бир ваъздан олдин курилмага бир неча карточкани кўйишади, кейин роҳиблик кийимларини кийишади, карабсизки, маъруза тайёр!"

Бу пайтга келиб жамоат хушёр тортиб колганди. Хатто ваъз айтиётган роҳиб хам галати кўринаётганди.

"Келинг, Исо пайгамбар хакикатдан хам нима деганлиги хакида бир ўйлаб кўрайлик," деди ваъзхон. «Сизга бошкалар кандай муомала килишларини хоҳласангиз, сиз хам уларга шундай муомалада бўлинг» - бу хозирги Инжилнинг сўзлари эмас, балки айнан Исо пайгамбарнинг хитоби бу! Эътибор килинг – Исо пайгамбар «Сизга кандай муомалада бўлишган бўлса, сиз хам насронийларга нисбатан шундай муомалада бўлинг» демаган – у «бошкаларга хам», деган. Бу эса барча кишиларга инсонийлик нуктаи назаридан муомалада бўлишимиз кераклигини англатади, хатто улар черковга ишонишмаса хам! Масалан, хатто салобатли черков ва соборлар куриш учун эхсон кутисига пул ташлаш ўрнига, уни факирларга коринларини тўйгазишлари учун беришимиз керак. Унинг ўрнига, факирларга бошпана куришларида, иш топишларида ёрдам берсак, холларидан хабар олиб турсак янада яхшиrok бўларди. Барча кишилар хам фахрланишга ва ўзларини хурмат килишга хаклидирлар».

"Нега биз черков ва санамларга бу кадар кўп эҳтиёж сезамиз? Исо пайгамбар бутун вактини черков ва ибодатхоналарда ўтказганмиди? У черковни безаш учун биронта бутга майл кўрсатганмиди? У ибодат килувчилар учун алохида кунларни ва алохида кийимни белгилаб кўйганми эди, бунга амал килмаганларни жазога мухкум килганмиди? Хушахлок самариялик киши хакидаги ривоят бизга факатгина насронийлар яхши одамлар деб ўргатганми? Сафсата! Бу гапларнинг оркасида Исо пайгамбар турган дейиш умуман ёлгон гап!"

Жамоат кўзлари ола-кула бўлиб, бакрайиб ўтиради. Айни шу лахзада бошка бир роҳиб келид.

Бир киши узини тутиб туролмади: "Койилмаком Фернс! Бу ўша-ку! Бу одам роҳиб эмас!" дея бакирди у.

Ха, роҳиб киёфасидаги киши Хорас Фернандеснинг айнан ўзи эди. Роҳиб ва жамоатнинг оксоколлари бакир-чакир килиб, минбарга томон якинлашишди. Фернс илк маротаба

ўз-ўзини йўкотиб кўйгандек кўринарди.

"Исо пайгамбар гувохлик беради!" бакирди у. "Бу черков сизники эмас! Сизнинг номингиз билан португалиялик империалистлар Гоани мустамлакада ушлаб туришган ва аждодларимизни кийнокка солишган, ўлдиришган. Колган-кутганлари эса Хиндистоннинг насронийлик хакида умуман хеч нарса эшитмаган хакикий насронийлар яшайдиган бошка штатларига кочиб кутулишган!"

Бу пайтга келиб бир неча одам Койилмаком Фернсни пастга тушириш учун минбарга тирмашганди. Минбар эса устига тўдалашиб чикиб олиш учун эмас, балки диний биродарликни таргиб килиш учун курилганди, шу сабабли у синиб кетди. Окибатда бир тўда одам ерга учеб тушди. Ушбу гала-говурдан фойдаланиб колган Койилмаком Фернс кочиб колишга улгурди. Одамларнинг кадр-киммати ерга урилгани колди холос.

Ташрифи кутилаётган роҳибнинг машинаси йўлда бузилиб колишини ва унинг черковга ўз вактида етиб келолмаслигини Койилмаком Фернс каердан била колди экан? У кандай килиб черков коровулига сездирмасдан роҳиб кийимини олиб чикиб кийиб олдийкин?

Ё...балки..Биби Марямнинг Фернснинг уйида бўлганлиги уни кўринмас бўлишини таъминладимикан..?

Шу шу художуй кампирлар Койилмаком Фернсга даъват килишни тўхташди. Шайтонничув тушириш осон иш эмасга ўхшайди ёв.

Инглиз тилидан Мухаммаджон Собиров таржимаси